

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 12 сон

БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ АДВЕНТИВ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРИ

Эсанов Хусниддин Қурбонович

Бухоро давлат университети, биология кафедраси доценти

Эшонқулов Алижон Ҳайдарович

Бухоро давлат университети, биология кафедраси докторанти.

Тел: 90 711-72-45 Gmail: ealijon175@gmail.com

***Аннотация.** Мақолада антропоген таъсирлар натижасида Бухоро вилоятига бошқа ҳудудлардан кириб келган доривор ўсимликларининг дастлабки рўйхати келтирилган. Мазкур ҳудудда адвентив доривор ўсимликларнинг 19 оила, 39 туркумга мансуб 45 турдан ташкил топганлиги аниқланган. Маҳаллий аҳолининг доривор ўсимликлардан осон фойдаланишлари учун уларнинг илмий, русча, ўзбекча номлари ва тарқалиш харитаси келтирилган. Ушбу адвентив доривор ўсимликлар халқ табобатида ва тиббиётда доимий қўлланилиши баён этилган.*

***Калит сўзлар:** адвентив ўсимлик, Бухоро, доривор ўсимлик, оила, тур, туркум, флора.*

АДВЕНТИВНЫЕ ЛЕКАРСТВЕННЫЕ РАСТЕНИЯ

БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ

Эсанов Хусниддин Қурбонович

Бухарский государственный университет, доцент кафедры биологии

Эшонқулов Алижон Ҳайдарович

Бухарский государственный университет, докторант кафедры биологии

Тел: 90 711-72-45 Gmail: ealijon175@gmail.com

***Аннотация:** В статье приводится первичный список лекарственных растений, попавших в Бухарскую область из других регионов в результате антропогенного воздействия. Выявлено, что в районе исследования 45 видов адвентивных лекарственных растений, относящихся к 19 семействам и 39 родам. Для удобства местному населению в применении лекарственных растений приведены научные, русские, узбекские названия и карта распространения. Эти адвентивные лекарственные растения описаны с точки зрения их частого применения в народной и традиционной медицине.*

***Ключевые слова:** адвентивное растение, Бухара, лекарственное растение, семейство, вид, род, флора.*

ADVENTIVE MEDICINAL PLANTS OF THE BUKHARA REGION.

Esanov Husniddin Kurbonovich

Bukhara state university, docent department of biology

Eshonkulov Alijon Haydarovich

Bukhara state university, PhD student of the Department of biology

Тел: 90 711-72-45 Gmail: ealijon175@gmail.com

***Abstract:** The article provides a primary list of medicinal plants that came to the Bukhara region from other regions as a result of anthropogenic impact. It was revealed that 45 species of adventive medicinal plants belonging to 19 families and 39 genera were identified in the study area. To provide convenience to the local population in the use of medicinal plants, scientific, Russian, Uzbek names and a*

distribution map are provided. These adventive medicinal plants have been described for their frequent use in folk and traditional medicine.

Keywords: *adventive plant, Bukhara, medicinal plant, family, species, genus, flora.*

Кириш. Инсонлар фаолияти туфайли кейинги йиллар мобайнида ер шари структурасининг биотоплари ўзгармоқда [6]. Антропоген таъсирлар табиатдаги энг муҳим жараёнларга яъни, экосистемаларнинг ўзгаришлари, турларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишига биохилма-хилликнинг бузилишига сабаб бўлмоқда. Натижада четдан кириб келган адвентив, айниқса, инвазив турлар аста-секин табиий популяциялар таркибига кириб уларга салбий таъсирларини кўрсата бошлайди. Уларнинг ареаллари ва турлар сонини қисқартиради. Маҳаллий турлар билан ўзаро чатишиб гибрид индивидларни келтириб чиқаради [8]. Бундан ташқари инвазив турларнинг айрим давлатларда Бразилияда 50 млрд, Ҳиндистонда 117 млрд, АҚШда 137 млрд доллар зарар етказганлиги аниқланган [11]. Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, бу жараён ер шарининг барча ҳудудларида содир бўлади. Адвентив флора билан ер шарининг турли минтақаларида жуда кўп олимлар А. Thellung (1905), J. Kornas (1968), F.G. Schroeder (1969), Rysek et al. (2004) ва бошқалар шуғулланишган. Бухоро вилоятига адвентив турлар ер шарининг турли минтақаларидан Шимолий ва Жанубий Америка, Ўртаер денгизи бўйлари, Европа, Осиёнинг турли ҳудудларидан кириб келган [15; 17].

Бугунги кунда Ўзбекистон флораси таркибида маҳаллий ва четдан кириб келган турлар учрайди, жумладан Бухоро вилоятида ҳам маҳаллий турлардан ташқари адвентив турлар аниқланган. Бухоро вилоятининг адвентив ўсимликлари 21 оила, 67 туркумга мансуб 89 турлардан иборат бўлиб, улар жами турларнинг 16,86 % ини ташкил этади [17]. Ушбу кўрсаткич Шарқий европадаги айрим урбанофлоралар [3; 10; 14] билан қиёслаганда (14,20-27,90 % гача) деярли бир-бирига яқин кўрсаткични намоён қилди. Демак, Бухоро вилоятининг адвентив ўсимликлари флора таркибида тутган ўрни бошқа адвентив флоралар таркиби билан деярли ўхшашлигини кўрсатди [20]. Мазкур адвентив ўсимликлар орасида доривор турлари ҳам мавжуд бўлиб, уни маҳаллий аҳоли кундалик истеъмолида доимий фойдаланади.

Объект ва методлар. Бухоро вилоятининг адвентив доривор ўсимликлари. Адвентив турларни аниқлашда “Флора Ўзбекистана” [13] “Определитель растений Средней Азии” [9], TASH гербарийлари, Ю.К. Виноградова ва бошқ. [5], С.Р. Майоров ва бошқ.[8], Ҳ. Қ. Эсанов [17; 20] маълумотларидан фойдаланилди. Доривор ўсимликлар Г.Ж.Абдиниязова [1;2], Р.Х.Аюпов [4], В. Каримов ва бошқ. [7], А. Усманходжаев [12], Ҳ.Қ. Эсанов [16], Қ.Ҳ. Ҳожиматов [19] маълумотлари асосида келтирилди.

Тадқиқот натижалари. Илмий изланишлар натижаларига кўра Бухоро вилоятида табиий ҳолда ўсувчи адвентив доривор ўсимликларнинг ҳозирги кунга қадар 45 турдан иборатлиги ва улар мазкур флоранинг 6,97 % ини ташкил қилиши аниқланди. Бухоро вилоятида табиий ҳолда ўсувчи адвентив доривор ўсимликларнинг етакчи оилалари Asteraceae (10 тур), Fabaceae (6), Malvaceae (4), Brassicaceae (4), Poaceae (4) дан ташкил топган. 3 та оила таркибида 2 турдан ва 11 оила таркибида 1 турдан доривор ўсимликлар учрайди. Адвентив турларнинг етакчи оилалар таркиби мазкур ҳудуднинг табиий флорасининг етакчи оилалари таркиби билан ўхшашлигини намоён қилди.

Илмий изланишлар шуни кўрсатадики, ҳар қандай ҳудудда адвентив флоранинг шаклланиши турли даражада кечаётганлигини намоён қилди. Бу ҳар бир ҳудуднинг географик ўрни ва алоқалари билан боғлиқ. Аммо уларда умумий хусусиятлар ҳам мавжуд. Биринчидан, барча адвентив флоралар таркиби географик тарқалиши кенг бўлган турлардан ташкил топган; иккинчидан, барчаси антропоген мухитларда тарқалган; учинчидан, уларнинг тарқалиши кўпроқ антропоген омиллар билан боғлиқ; тўртинчидан барча адвентив турлар дастлаб урбаноландшафтларда шаклланади.

Тадқиқот натижасида Бухоро вилоятининг адвентив ўсимликлари турли географик регионлардан кириб келгани аниқланган. Унинг катта қисми Евроосиё ҳудудидан, қолганлари Ўртаерденгизи атрофлари, Шимолий ва Жанубий Америка ва Европадан кириб келган [17; 20].

Бухоро вилоятида олиб борилган дала тадқиқотлари ва мавжуд илмий манбалар асосида воҳадаги табиий ҳолда ўсадиган адвентив доривор ўсимликларнинг рўйхатини тузиш, тарқалиш хариталарини яратиш ва захираларини аниқлаш муҳим илмий аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам илмий изланишлар натижасида аниқланган адвентив доривор ўсимликларнинг 19 оила, 39 туркумга мансуб 45 турдан ташкил топган дастлабки рўйхати тузилди (Жадвал-1).

Бухоро воҳасига бошқа ҳудудлардан келиб қолган доривор ўсимликларининг дастлабки рўйхати.


(Жадвал-1)

№	Оиласи	Илмий номи	Русча номи	Ўзбекча ва маҳаллий номи
1	Equisetaceae	<i>Equisetum ramosissimum</i>	Хвощ ветвистый	Шохланган қирқбўғим
2	Ranunculaceae	<i>Ranunculus arvensis</i>	Лютик полевой	Дала айиқтовони
		<i>Ranunculus scellaratus</i>	Лютик ядовитый	Захарли айиқтовон
3	Caryophyllaceae	<i>Vassaria hispanica</i>	Тысячеголов испанский	Испан қорамуғи
4	Amaranthaceae	<i>Amaranthus retroflexus</i>	Щирца запрокинутая	Қайрилган мачин, ёввойи гултожихўроз, эшакшўра
5	Brassicaceae	<i>Eruca sativa</i>	Индау псевной	Экма индов, эшакшўра
		<i>Lepidium chalepense</i>	Сердечница ползучая	Ўрмаловчи болтириқ
		<i>Lepidium latifolium</i>	Клоповник широколистный	Кенгбарг торол
		<i>Sinapis arvensis</i>	Горчица полевая	Дала рангўти
6	Malvaceae	<i>Abutilon theophrasti</i>	Канатник Теофраста	Теофраст дағалканопи, гўзор
		<i>Althaea officinalis</i>	Алтей лекарственный	Доривор гулхайри
		<i>Hibiscus trionum</i>	Гибискус тройчатый	Уччанокли бўритароқ
		<i>Malva mauritina</i>	Просвирник мавританский	Мавритан тутмачагули
7	Urticaceae	<i>Urtica dioica</i>	Крапива двудомная	Икки уйли газанда, қичитқийт
8	Rosaceae	<i>Potentilla supina</i>	Лапчатка низкая	Пакана ғозпанжа
9	Fabaceae	<i>Halimodendron holodendron</i>	Чемьш серебристый	Кумушранг жангал

		<i>Medicago lupulina</i>	Люцерна хмелевидная	Қашқар йўнғичқаси
		<i>Melilotus officinalis</i>	Донник лекарственный	Доривор кашқарбеда
		<i>Sophora alopecuroides</i>	Софора обыкновенная	Одий аччикмия
		<i>Trifolium pratense</i>	Клевер луговой	Ўтлоқ себаргаси
		<i>Trifolium repens</i>	Клевер ползучий	Ўрмаловчи себарга
10	Zygophyllaceae	<i>Tribulus terrestris</i>	Якорцы стелющиеся	Чағир темиртикан
11	Apiaceae	<i>Apium nodiflorum</i>	Сельдерей узлоцветко-вый	Бўғим гулли карафс
12	Asteraceae	<i>Artemisia annua</i>	Полынь однолетняя	Бурган шувок, бир йиллик шувок
		<i>Centaurea iberica</i>	Василек иберийский	Сертикан бўтакўз
		<i>Cichorium intybus</i>	Цикорий обыкновенный	Зангори сачратки
		<i>Eclipta prostrata</i>	Эклипта распростёртая	Ёйиқ эклипта
		<i>Erigeron canadensis</i>	Мелколестник канадская	Канада эригерони
		<i>Lactuca serriola</i>	Латук дикий	Ёввойи суччўп, компасўт
		<i>Sonchus arvensis</i>	Осот полевой	Дала айиктовони
		<i>Sonchus oleraceus</i>	Осот огородный	Полиз бўзтикан
		<i>Xanthium spinosum</i>	Дурдишник колючий	Одий кўйтикан
		<i>Xanthium strumarium</i>	Дурдишник обыкновенный	Ғўза кўйтикан
13	Rubiaceae	<i>Galium tricornerutum</i>	Подмаренник трехрогий	Учшоҳ кумриўт
14	Solanaceae	<i>Datura stramonium</i>	Дурман обыкновенный	Одий бангидевона
		<i>Solanum nigrum</i>	Паслен черный	Қора итузум
15	Convolvulaceae	<i>Convolvulus arvensis</i>	Вьюнок полевой	Дала печаги, кўйпечак
16	Boraginaceae	<i>Lithospermum officinale</i>	Воробейник лекарственный	Доривор чумчукўт
17	Scophulariaceae	<i>Veronica persica</i>	Вероника персидская	Форс беданаҷўпи, хўкизкўз
18	Роaceae	<i>Cynodon dactylon</i>	Свиной пальчатый	Панжасимон ажрик
		<i>Digitaria sanguinalis</i>	Росичка кровавая	Тукли бешбармок
		<i>Lolium temulentum</i>	Плавел опьяняющий	Заҳарли мастак
		<i>Sorghum halepense</i>	Сорго аллепское	Жонсон ғумайи
19	Турhaceae	<i>Typha angustifolia</i>	Рогоз узколистый	Ингичкабарг кўға
		<i>Typha laxmannii</i>	Рогоз лаксмана	Тўзғок кўға, лаксман кўғаси

Жадвалда келтирилган табиий ҳолда ўсувчи адвентив доривор ўсимликлар вилоятнинг деярли барча экологик муҳитларида учрайди; ариқ ва дарё бўйлари, қишлоқ хўжалиги экинлари ораси, чўл ва қирларда учратиш мумкин. Юқоридаги жадвалда келтирилган адвентив доривор ўсимликларнинг барчасининг гербарий намуналари йиғилиб, ҳудудда турларнинг географик тарқалиш координаталари аниқланиб ГАТ хариталари яратилди (расм). Ўсимликларнинг аксарият қисми ҳудуднинг қумли ва тошли, шағалли майдонларида учрайди. Ушбу рўйхатда келтирилган ҳар бир турнинг

дориворлик хусусиятлари илмий манбалар [2; 4; 7; 12; 16; 18; 19] асосида аниқланди. Илмий манбалардан уларнинг дориворлик хусусиятлари бўлганлиги боис мақолада бу хусусиятларни келтирмадик. Ушбу рўйхат Бухоро вилоятида олиб борилган дастлабки тадқиқотлар натижасида тузилган бўлиб, бу турлар сони тадқиқот давомида яна ошиб бориши мумкин. Мазкур турлар тарқалган майдонларни муҳофаза қилиш ва уларнинг хом-ашёларидан оқилона фойдаланиш зарур (**1-Расм**).



1-Расм. Бухоро вилоятида адвентив доривор ўсимликларнинг тарқалиши.

Хулоса. Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти Бухоро вилоятининг табиий ҳолда ўсувчи адвентив доривор ўсимликлар рўйхати ва уларнинг тарқалиш хариталари яратилганлиги билан асосланади. Яратилган хариталар ўсимликнинг тарқалиш ҳудудини аниқлаш имконини берганлиги сабабли, келгусида ушбу соҳага оид мутахасислар учун асос бўлиб хизмат қилади. Бошқа ҳудудлардан кириб келаётган ўсимликларнинг табиий флорага аралашиб айрим турларга салбий таъсир кўрсатсада улар флора таркибини бойитиб, дориворлик ва бошқа фойдали хусусиятларни ҳам намоён қилади. Шунинг учун четдан кириб келаётган турларни илмий ва амалий жиҳатдан ўрганиш муҳим долзарб масалалардан бири саналади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдиниязова Г. Ж. Қорақалпоғистоннинг доривор ва асал-ширали ўсимликларнинг ҳозирги ҳолати ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари. Биол. фан. фалс. док. дис. автореф. – Тошкент. 2017. – 46 б.
2. Абдиниязова Г. Ж. Қорақалпоғистон Республикасининг доривор ўсимликлари. Тошкент: “ВАҲОЗ” 2017. – 168 б.
3. Агафонова Л.А. Флора города Белгорода. Автореф. дис...канд. биол. наук. – Москва, 2010. – 22 с.
4. Аюпов Р.Х.. Доривор ўсимликлар ва улардан фойдаланиш. 3-китоб. Ташкент: -2012.
5. Виноградова Ю. К., Майоров С. Р., Хорун Л. В. Черная книга флоры Средней России: чужеродные виды растений в экосистемах Средней России. – М.: ГЕОС, 2010. – 512 с
6. Зыкова Е.Ю. Адвентивная флора Республики Алтай // Растительный мир Азиатской России, 2015, № 3 (19), – С. 72-87.
7. Каримов В., Шомахмудов А. Халқ таботати ва замонавий илмий тиббиётда

- қўлланиладиган шифобахш ўсимликлар. Тошкент, “Ибн Сино” НМБ, 1993 й.
8. Майоров С.Р., Бочкин В.Д., Насимович Ю.А., Щербаков А.В. Адвентивная флора Москвы и Московской области. – М.: КМК. 2012. - 412 с.
 9. Определитель растений Средней Азии. В 11 - х т. – Ташкент: Фан, 1968 – 2015.
 10. Рябовол С.В. Флора г. Красноярска (сосудистые растения). Автореф. дис...канд. биол. наук. – Красноярск, 2007. – 20 с.
 11. Тишков А.А. Экологические последствия вступления России во Всемирную торговую организацию (ВТО) // Экономическая политика. №12 (107), 2004. [Электронный ресурс]. <http://trade.ecoaccord.org/docs/tishkov.htm>
 12. Усманходжаев А., Баситханова Э.И., Пратов Ў.П., Джаббаров А., Ўзбекистонда ўсадиган шифобахш ўсимликларнинг этимологик замонавий энциклопедияси. I том; Ўзбекистон: Янги аср авлоди, - 2018.
 13. Флора Узбекистана. В 6 т. – Ташкент: АН УзССР, 1941-1963.
 14. Шорина А.А. Флора города Заринска и его окрестностей. Автореф. дис...канд. биол. наук. – Барнаул. 2010. – 16 с.
 15. Эсанов. Х. К., Кечайкин А. А. *Duchrsnea indica* (Andrews) Teschem. (Rosaceae Juss.) – Новый адвентивный вид для флоры Республики Узбекистан // *Asta Biologica Sibirica*. – Барнаул, 2016. Т. 2, №4.- С 84-89.
 16. Эсанов Ҳ.Қ. Бухоро воҳасининг доривор ўсимликлари ва уларнинг тарқалиши. ЎЗМУ хабарлари. Тошкент, 2018. №3/2. – Б. 219-226.
 17. Эсанов Ҳ.Қ. Бухоро воҳаси флораси. Монография. – Бухоро. Дурдона нашриёти. 2019 а. -158 б.
 18. Эсанов Ҳ.Қ., Файзуллаев Ш.С. Қоровулбозор воҳаси доривор ўсимликлари ва уларнинг систематик таҳлили. Наманган давлат университети илмий журнали. Наманган, 2019 б. №10. – Б.128-133
 19. Ҳожиматов Қ.Ҳ., Йулдошев К.Й., Шоғулломов У М., Хожиматов О.К. Шифобахш гиёҳлар дардларга малҳам (фитотерапия). - Тошкент: Ўзбекистон, - 1995.
 20. Esanov H.K. The alien fraction of the flora of Bukhara oasis. *Stapfia Reports*. – Austria, 2016. – № 105. – P. 92-98.

03.00.00 **БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**
БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
BIOLOGICAL SCIENCES

14	<i>G.mustelinum</i> va <i>g.arboreum</i> l. ғўза турлари иштирокидаги ғў дурагайлари нинг кўсак ва уруғ тугилиш хусусиятларини ўрганиш. Гаппаров Б.М, Хидиров М. Т, Орипова Б. Б, Саманов Ш. А, Мўминов Х. А, Кушанов Ф.Н, Халиков Қ. Қ.....	63
15	Farg'ona vodiysi araxnofaunasining xilma-xilligi Вахромова В	70
16	Микрофлора биопрудов ооо «мубарекский газоперерабатывающий завод» Шарифов М.Р, Содиков Х. Қ, Алимова Б. Х, Пулатова О. М, Махсумханов А. А.....	76
17	Эффективность биологических реакции с учетом обмена веществ тепло- и холоднокровных организмов Мирзаолимов М.М, Абдуллаев Г.Р., Ахмеров Р. Н., Абдуллаев Ш. С., Зайнобиддинов А.Э	81
18	Маҳаллий буғдой навларининг генетик паспортини ишлаб чиқиш Норбеков Ж. Қ, Хусенов Н.Н, Орзикулова Б. И, Холмурадова М. М, Неъматуллаева Л.С, Тураев О.С, Кушанов Ф. Н, Буриев З.Т.....	89
19	Бухоро вилоятининг адвентив доривор ўсимликлари Эсанов Х.Қ, Эшонқулов А.Х	96
20	Наследование типа ветвления и фотопериодичности у межвидовых гибридов f2 полученных на основе гибридизации <i>g.mustelinum</i> miers ex watt. с подвидами вида <i>g. barbadense</i> l. Эрназарова З.А, Рафиева Ф.У, Комилов Д.Д	102
21	Минерал ўғитлардан фойдаланишнинг жой ландшафт-экологик ҳолатига таъсири Алимджанов Н.Н	106
22	Atrof-muhit texnogen ifloslanishini yashil olma (<i>aphis pomi</i> de geer, 1773.) shirasi morfologik strukturasi va rangiga ta'siri. G'aniyev K.X, Mirzaliyev A.M	111
23	Биотехнологик ғўза навларидан канамицин селектив генисиз генотипларини ажратиб олиш Кадирова Ш. Б, Имамходжаева А. С, Усмонов Д. Э, Буриев З. Т	115
24	Сравнительная оценка обмена веществ у тепло- холоднокровных животных Нажимов А.У, Абдуллаев Г. Р, Ахмеров Р.Н, Ниязметов Б.А	120
25	Оғир металллар билан ифлосланган тупроқнинг манзарали дарахтларга таъсири Халматов М.М	125
26	Шўрхоқлар ва суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларида сингдирилган катионлар, тарқоқ элементлар таркибининг ўзгариши Юлдашев Г, Рахимов А. А	131
27	Тиён-шон тоғ тизмасида тарқалган <i>astragalus</i> l. туркуми турлари Эсанкулов А. С, Батошов А.Р Мардиев А. М.....	137
28	Наманган вилояти шароитида циркумфлекс тунлами (<i>syngrapha circumflexa</i> l.) нинг	